

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1 344,4 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,2 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	Млрд.сўм	Ўсиш суръати, %	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1 344,4</b>	<b>100,2</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>116,7</b>	<b>38,6</b>	<b>8,7</b>
бюджет маблағлари	81,6	65,0	6,1
давлат мақсадли фонд маблағлари	-	-	-
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
бюджетдан ташқари фондлар	29,9	30,3	2,2
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	5,2	39,3	0,4
<b>Марказлашмаган инвестициялар:</b>	<b>1 227,7</b>	<b>118,3</b>	<b>91,3</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	435,5	160,8	32,4
аҳоли маблағлари	447,6	125,9	33,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	116,1	56,9	8,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	228,5	110,7	17,0


2017 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	Жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>1344,4</b>	<b>151,0</b>	<b>1193,4</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	55,8	55,9	55,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	40,0	41,2	39,9
Бошқа ҳаражатлар	4,2	2,9	4,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 1,9 фоизли пунктга ҳамда бошқа харажатларнинг улуши 2,6 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши эса 4,6 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-июнь ойларида умумий майдони 607,2 минг кв.м. бўлган 4387 та (2016 йил январь-июнь ойларига нисбатан 119,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 467,0 минг кв.м. (122,3 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 633,3 млрд. сўми ёки 47,1 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, қуриш, қайта таъмирлаш шунингдек, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 73,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 11,6 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 4,9 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 152,5 км. узунликдаги ичимлик суви, 16,5 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан мос равишда 124,0 ва 72,7 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 7 289,4 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 478,3 млн.сўм миқдоридан инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-июнь ойларида 1 117,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 111,4 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,1 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 8,4 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 11,5 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 78,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1 093,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,9 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 119,8 фоизни) ташкил қилди.


Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2016 й.  
январь-июнь



2017 й.  
январь-июнь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари